# МАВЗУ: ҚУШЛАР СИНФИ СИСТЕМАТИКАСИ (давоми)

**Режа:**

**Кўкрактожлилар (Carinatae) ёки типик қушлар (Neognathae) катта туркуми**

# Қушлар синфи систематикаси

Қушлар синфига **8600-9000** тагача тур киради. МДҲ да қушларнинг **800 та** тури, шу жумладан Ўрта Осиёда **450 та** тури ва Ўзбекистонда **441 та** тури учрайди. Қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонлар орасида қушлар синфи турларининг кўплиги жиҳатдан биринчи ўринда туради. Қушларнинг қазилма топилмаларини ҳисобга олганда, улар иккита кенжа синфга бўлинади:

1**. Қадимги қушлар ёки калтакесак думлилир (Archaeornithes) кенжа синфи.**

2. **Елпиғич думлилар ёки ҳақиқий қушлар (Neornithes, Orniturae) кенжа синфи.**

**Елпиғич думлилар ёки ҳақиқий қушлар (Neornithes, Ornituraе) кенжа синфи.**

Тишли қушлар (Odontognathae) катта туркуми

Пингвинлар (Impennes) ёки сузувчилар (Natantes) катта туркуми.)

Кўкрактожсизлар ёки туяқушлар (Ratitae) катта туркуми

Кўкрактожлилар (Carinatae) катта туркуми)

# Каптарсимонлар (Columbiformes) туркуми

Каптарсимонлар туркуми бир-биридан кескин фарқ қиладиган 2 та кенжа туркумга бўлинади: каптарлар (Columbae) ва булдуруқлар (Pterocletes). Каптарсимонлар туркумига **311** та тур киради.

**Каптарлар (Columbae) кенжа туркумига** кирувчи қушлар тирик чилигини кундузи ўтказади, тумшуғи калта ва устки тумшуғи асосида юмшоқ, тери-бурмали восковицаси бор. Каптарлар (Columbedae) оиласининг типик вакиллари **кўк каптар** (Columba livia), **гов каптар** (C. palumbus), **клинтух** (C. oenas), **қора каптар** (C.eversmfnni ), **қоя каптари** ( C. rupestris ), **ғуррак** (Streptopelia turtur), **тоғ ғурраги** (S. orientalis**), кичик мусича** (S. senegalensus), **ҳалқали мусича** ёки **қумри** (S. decaocto) ва бошқалар киради.

# Кўккаптар



# Мусича



# Булдуруқлар (Pterocletes) кенжа туркуми

Кенжа туркумга кирувчи қушлар ўртача катталикда бўлиб, узунлиги 22-40 см, ташқи кўриниши билан каптарларга ўхшайди. Булдуруқлар кенжа туркумининг битта булдуруқлар (Pterocletidae) оиласи бўлиб, бу оиланинг **16 та тури** бор. МДҲ да, шу жумладан Ўзбекистоннинг дашт ва чўл минтақаларида сувга яқин ерларда булдуруқлардан **оқбовур (Pterocles alchata), қорабовур (Pterocles orientalis)** ва ўзига хос тузилган **сув булдуриғи (Syrrhaptes paradoxus)** тарқалган.

Қорабовур



# Каккусимонлар (Cuculiformes) туркуми

Бу туркумга, асосан ҳақиқий дарахтда яшовчи қушлар киради. Каккусимонларни 2 та, яъни **каккулар** ва **тураколар** оилалари бор. Каккуларнинг **130 та** тури бор, шулардан ярми уя қуриш ва жўжа очиш инстинктини йўқотган, яъни бошқа қушларнинг уясига паразитлик қилади, ярми эса моногам бўлиб, ўзлари уя қуради ва тухумларини босади**. Каккулар (Cucculidae)** оиласидан **6 та тури** МДҲ да, шу жумладан **3 та тури**, яъни **оддий какку (Cuculus canorus**), **кар какку (Cuculus saturatus)** ва кичик **какку (Cuculus policephalus)** Ўзбекистонда учрайди.

# Оддий какку



# Япалоққушсимонлар (Strigiformes)туркуми

Япалоққушсимонларнинг тумшуғи илмоқдек пастга қайрилган, бармоқлари ўткир тирноқли, патлари юмшоқ, юз қисмида ҳам патлари бор. Моногам, фақат урғочилари тухум босади, жиш болали, жўжаларини урғочиси ва эркаги бирга озиқлантиради.

Япалоққушсимонлар туркумига **140** га яқин тур киради. Шулардан **20 та** тури МДҲ да, шу жумладан **10 та** тури Ўзбекистонда учрайди. Бу туркумнинг типик вакилларига ер юзида кенг тарқалган **ботқоқ япалоққуши (Asio flammenus)**, тирикчилигини кундузи ўтказадиган ва тундрада уялайдиган, қишда МДҲ нинг жануб томонларига учиб кетадиган йирик **оқ япалоққуш (Nyctea scandiaca)**, қисман товушқонлар билан озиқланиб, баъзи жойларда овчилик хўжалигига зарар келтирадиган энг йирик **япалоққуш оддий уккини (Bubo bubo)** кўрсатиш мумкин. Асосий вакиллари: **оддий укки, оқ япалоққуши, чўл соғи, оддий соғ, бойўғли**.

# Оддий уккини



**Бойўғли**



# Тентакқушсимонлар (Caprimulgiformes) туркуми

Тентакқушсимонлар туркуми вакиллари ўртача катталикдаги қушлар бўлиб, массаси **50 г** дан **700 г** гача боради, тирикчилигини тунда ўтказади, тумшуғи қисқа, лекин оғиз кесими жуда катта. Бу туркумнинг **90 дан ортиқ тури** бор. МДҲ да **3 та тури**, жумладан Ўзбекистонда **2 та тури**, яъни **оддий тентакқуш (Caprimulgus europaeus)** ва **малла тентакқуш (Caprimulgus aegyptius)** учрайди. Тентакқуш ерга чуқурча ясаб, **1-2 та** тухум қўяди.

Жўжаларини боқишда эркаги ва урғочиси иштирок этади. Улар жўжа болали қушлар билан жиш болали қушлар ўртасидаги оралиқ форма ҳисобланади.

Оддий тентаккуш



Малла тентаккуш



# Тўтиқушсимонлар (Psittaciformes) туркуми

Бу туркумга кирувчи қушлар тропик ва субтропик ўрмонларда дарахтларда ҳаёт кечиради. Уларни битта тўтиқушлар (Psittacidae) оиласи ва **325** та тури бор. Ўртача ва кичик ҳажмдаги (массаси 10 г дан 1 кг гача боради) қушлар. Типик вакилларига тиниқ рангли, ҳажми катта, узун думли **Америка ара тўтиси (Ara),** Австралия **кокилдор какаду тўтиси (Cacatuinae)**, Африка кулранг **жакоси (Psittacus)**, Янги Зеландия **нестори** ёки **кеа (Nestor)**, уча олмайдиган Янги Зеландия **яполоққушсимон тўтиси** (Stringops) ва кўпинча қафасда боқиладиган **амазонка кўк тўтиси** (Melopritacus undulatus) киради.

# Америка ара тўтиси



# Какаду тўтиси



Африка кулранг **жакоси**



Янги Зеландия **нестори**



# Узунқанотсимонлар (Apodiformes) туркуми

Бу туркум **узунқанотлар ёки жарқалдирғочлар (Apodi)** ва **колибрилар (Trochili)** кенжа туркумларига бўлинади. Узунқанотлар кенжа туркумининг **попукли узунқанотлар (Hemiprocnidae) ва асл узунқанотлар (Apodidae) оилалари** бор. Асл узунқанотлар оиласига 67 та тур киради. Жануби – Шарқий Осиёда ва Полинезия оролларида саланган жарқалдирғочлари (Callocalia) учрайди. Асл узунқанотлар оиласидан 5 та тури: **игнадум узунқанот (Hirundapus caudacutus), қора узунқанот (Apus apus), оқ қоринли узунқанот (Apus melba), кичик узунқанот (Apus affinis) ва оқбел узунқанот (Apus pacificus)** республикамизда учрайди.

# Қора узунқанот



# Игнадум узунқанот



# Оқ қоринли узунқанот



Оқбел узунқанот



# **Қизилиштонсимонлар (Piciformes) туркуми**

Бу туркумга асосан қизилиштонлар (Picidae) билан туканлар (Rhamphastidae) оилалари киради. **Қизилиштонлар оиласига 400 та тур** киради. МДҲ ўрмонларида, тоғ ва жарликларда қизилиштонларнинг **14 та** тури учрайди. Моногам. Қизилиштонларнинг типик вакилларига катта ола қизилиштон (Dendrocopus major), кичик ола қизилиштон (D.minor), қора қизилиштон (Dryocopus martius), оққанот қизилиштон (D. leucopterus), думлари юмшоқ патли бурма-бўйин қизилиштон (Junx torquilla) киради. Ўзбекистонда қизилиштонларнинг **2 та тури,** яъни оққанотли қизилиштон ва думлари юмшоқ патли бурмабўйин қизилиштон кенг тарқалган. **Туканлар (Rhamphastidae) оиласи** вакиллари Жанубий ва Марказий Америкадаги ўрмонларда яшайди. Уларни **37 та тури** бор. Бу қушларнинг пати чиройли ранг-баранг бўлиб, зебу-зийнат учун ишлатилади.

Катта ола қизилиштон



Оққанот қизилиштон



# Кўкқарғасимонлар (Coraciiformes) туркуми

Бу туркумга **200 га яқин** тур киради. МДҲ да **11 та тури**, шу жумладан Ўзбекистонда 4 та тури учрайди. МДҲ да **3та оиласи**, яъни **куркунаклар, кўкқарғалар** ва **кўктарғоқлар** оилалари вакиллари учрайди. **Кўкқарғалар** (Coracidae) оиласининг вакиллари кўпроқ зағчаларга ўхшайди. Кўкқарғаларнинг ўткир ва кенг тумшуғининг учки қисми илмоққа ўхшаб қайрилган. Пат ранги қўнғир ва қизғиш аралаш яшил-зангори рангда. Учганда баланд овоз чиқаради. Кўкқарғалар оиласининг **11 та тури** бор. Улар **Жанубий Европа, Африка, Осиё ва Австралияда** тарқалган. Ўзбекистонда **оддий кўкқарға (Coracias garrulus)** ҳамма жойда учрайди. Май ойининг охирларида **4-6 та тухум** қўяди. Тухумдан чиққан жўжаларини эркаги билан урғочиси биргалашиб боқади. Учиб кетувчи қуш, Африкада қишлайди.

# Кўк қарға



# Куркунаклар (Meropidae) оиласи

Оила вакиллари ўрмонларда ва сув бўйларида яшайди. Бу қушлар тиниқ, очиқ рангли майда қуш бўлиб, тумшуғи узун, қанотлари ўткир бўлиши билан характерланади. Тана узунлиги 15-35 см. **25 та тури бор**. Улар **Европа, Осиё, Африка** ва **Австралиянинг тропик** минтақаларида тарқалган. Ҳашаротлар билан озиқланади. МДҲ да, шу жумладан Ўзбекистонда **тилла ранг куркунак (Merops apiaster)** ва **кўк куркунак (Merops superciliosus)** учрайди. Улар июль – август ойларида гала-гала бўлиб учиб юради. Октябрда жанубий Африкага учиб кетади. Майнинг ўрталарида **5-6 та**дан тухум қўяди.

# Тилла ранг куркунак






Кўк куркунак

# Кўктарғоқлар (Alcedinidae) оиласи

Оила вакиллари ўрмонда дарё ва ариқ қирғоқларида учрайдиган майда қушлар.. Кўктарғоқлар оиласига **88 та тур** киради. МДҲ да **6 та тури**, жумладан Ўзбекистонда **1 та тури** учрайди. Май ойининг бошларида сув бўйида лёсс тупроқли жарликларга, термитлар уясига ва дарахтларга уя қуради. **2-7 та дан тухум** қўяди. Тухумини **21 кун** босади. Типик вакили ҳаворанг **кўктарғоқ (Alcedo atthis)** ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳаворанг кўктарғоқ барча дарё ва ариқлар бўйида уя қуради.

# Ҳаворанг кўктарғоқ



# Каркидон қушлар (Bucerotidae) оиласи

Оила вакиллари ҳам кўкқарғасимонлар туркумга кириб, улар Осиё ва Африканинг тропик ўрмонларида яшайди. Танасининг узунлиги 50 см дан 165 см гача, вазни эса **15 г дан 4 кг** гача боради. Каркидон қушларнинг думи узун, бармоқлари бир-бирига бириккан. **45 та тури** бор. Ҳўл мевалар ва ҳашаротлар билан озиқланади. Дарахт ковагига уя қуради. Уясига **1-5 та** тухум қўяди, тухумини урғочиси босиб ётади. **Инкубация даври 1 ой**. Типик вакилларидан бири **икки шохли калао (Buceros bicirnis)** ҳисобланади.

# Икки шохли калао



# Сассиқпопишаклар (Upupidae) туркуми

Туркумга битта чуғурчуқдан кичикроқ бошида (энсасида) каттакон кокилли тожи, узун, ингичка, бироз пастга қайрилган тумшуғи бўлган оддий сассиқпопишак (Upupa epops) киради. У асосан ерда, дарахтда, тоғ этаклари ва тоғларда 2000 м гача баландликда учрайди. **Европа, Осиё ва Африкада** тарқалган. Апрелнинг бошларида эски дарахтлар ковагига, девор ёриғига **4-6 та тухум қўяди**. Тухумлари юмалоқ, сутга ўхшаш оқ бўлиб, кулранг, кўкимтир ёки сарғиш ғубори бор. Тухумини урғочиси босиб ётади, эркаги эса урғочисини бу вақтда боқади. Инкубация даври **15-20 кун.**

Сассиқпопишак



# Тинамулар, яъни яширин думлилар (Tinamiformes) туркуми

Бу туркум вакилларининг ташқи кўриниши кўкрактожсиз қушларга ва товуқ-симонларга ўхшайди. Тана узунлиги 20-53 см ва массаси 0,4-1 кг атрофида бўлади. Тинамулар Жанубий Америкада буталар ва ўрмонларда яшайди. Қаноти яхши ривожланмаган калта ва кенг. Думи жуда калта, патлари орасига яширинган. Оёқлари бақувват. Тинамулар туркумига **1 та оила, 9 та авлод** ва **45 та тур** киради. Ўсимликлар уруғи, мевалар ва ҳашаротлар билан озиқланади. Насл учун асосан эркаги ғамхўрлик қилади. **Урғочиси бир неча эркаклари орқали кўпаяди**, яъни кўпайиши **полиандрия** шаклида бўлади. **Жўжа болали қуш.** Типик вакилига **қўнғир тинаму (Rhynchotus rufescens)** киради.

# Қўнғир тинаму



# Чумчуқсимонлар (Passeriformes) туркуми

Бу туркумга **5000** дан ортиқ тур кириб, ҳозирги яшаб турган қушлар турининг ярмидан кўпини ташкил этади, Ўзбекистода **210** га яқин турлари учрайди. Чумчуқсимонлар туркуми **3 та кенжа** туркумга бўлинади :

1. **Қичқирувчи чумчуқсимонлар (Clamotores) кенжа туркуми.**
2. **Сохта сайровчи чумчуқсимонлар (Menurae) кенжа туркуми.**
3. **Сайровчи чумчуқсимонлар (Oscines ёки Passares) кенжа туркуми.**

# Қичқирувчи чумчуқсимонлар кенжа туркуми

**Қичқирувчи чумчуқсимонлар кенжа туркумининг** вакиллари примитив тузилган бўлиб, товуш чиқарувчи пастки **ҳиқилдоқ мускуллари 2 жуфтдан** ошмайди. Бу кенжа **туркумнинг 11 та оиласи** ва **1000 дан ортиқ тури** бор. Улар асосан **Жанубий Америкада**, айрим турлари **Шимолий Америкада** ва **Шарқий ярим шарнинг** тропик минтақаларида учрайди. Типик вакили **тош товуқ.**

# Қичқирувчилар вакили



# Сохта сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркуми

Туркумга **4 та** тур кириб, улар Австралияда тарқалган.

Сохта сайровчи чумчуқсимонларнинг товуш чиқарувчи пастки **ҳиқилдоқ мускуллари сайровчи чумчуқсимонларникига нисбатан суст ривожланган**.

Сохта сайровчи чумчуқсимонларнинг асосий оиласига **лира қушлар (Menuridae)** киради.

# Лира қуши



# Сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркуми

Туркумга **4000 дан ортиқ тур, 52** тадан **70 тагача оила** ва **1000 га яқин авлод**лар киради. Ер юзида кенг тарқалган. МДҲ да **330 та** тури, Республикамизда **210 га яқин тури** учрайди ва уларнинг барчаси сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркумга киради. Бу қушларнинг товуш аппарати тўлиқ ривожланган, товуш чиқариш мускуллари 5-7 жуфт бўлади. Сайровчи чумчуқсимонлар кенжа туркумининг асосий оилаларига:тўрғайлар, қалдирғочлар, жиблажибонлар, қораялоқлар, қарғалар, читтаклар, пашшахўрлар, қарқуноқлар, чуғурчуқлар, вьюроклар, зарғалдоқлар, шақшақлар, нектарчилар, тўқимачилар, жаннатқушлар ва бошқа чумчуқсимонларни киритиш мумкин.

# Қишлоқ қалдирғочи



# Сариқ жиблажибон



# Кулранг қарқунақ



# Зарғалдоқ



Чуғурчуқ, қораялоқ



# Қора қарға



# Оддий сувчумчуқ



# Кичик пашшахўр



Қорашақшақ



# Дала чумчук



# Қизилтўш



# Сариқ деҳқончумчук



# Оддий булбул



# Жануб булбули

